Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими
бюджетларининг ғазна ижроси қоидаларига
8-ИЛОВА

**20.01.2022 даги**

**"Сирдарё сув таминоти" МЧЖ Сардоба филиали ва Сардоба туман касб хунар мактаби ўртасида 1499608,50 сўм умумий суммага тузилган 08 - сонли шартномага**

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ***

Боб 079

Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860242267092901079002

сўмда

| 2022 й. ойлар номи. | Харажатлар тури** (бюджет таснифининг тегишли коди) | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 4224000 | | | |
| Январь | 499 869,50 | | | 499 869,50 |
| Февраль | 499 869,50 | | | 499 869,50 |
| Март | 499 869,50 | | | 499 869,50 |
| Апрель | | | | |
| Май | | | | |
| Июнь | | | | |
| Июль | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябрь | | | | |
| Октябрь | | | | |
| Ноябрь | | | | |
| Декабрь | | | | |
| **Жами йил бўйича** | **1 499 608,50** | | | **1 499 608,50** |

Жами 1499608,50 сўм — Бир миллион тўрт юз тўқсон тўққиз минг олти юз саккиз сўм 50 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан ___________ сўм ёки _____% *** шартноманинг умумий суммасидан ______ % ***20___ _______________ ойида тўланиши лозим.

(*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(**) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади:

(***) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойига ______% жорий ойнинг _____ санасигача хар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган хар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари ____________ Бердиёрова Гозел Тураповна
(имзо) Ф.И.Ш.

М.У.

Буюртмачи бош бухгалтери ____________ Каршиев Уктам Махмудович
(имзо) Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг ходими қабул қилди ____________
(имзо)

Буюртмачи ходими қабул қилди ____________
(имзо)

«___» ________________ 20___й.

«___» ________________ 20___й.

**Ш А Р Т Н О М А № 08**

**Тариф (Махсус устама ҳақ билан)**
**Сув 1м³ 18863 сўм**

20 01 2022 йил **Сардоба тумани**

**(Сув тиркамаси транспорт (Махсус автомашина,трактор) ичимлик суви етказиб бериш иш бажариш таъминлаш тугрисида)з**

Сирдаре вилоят «Сирдаре сув таъминоти» МЧЖ Низоми асосида унинг номидан ишончли вакили сифатида иш юритувчи **Сардоба туман булими бошлиги Л.Шодмонов**, бундан кейин «Таъминотчи» деб юритилади ва Сардоба ПМАИ п.х. Мактаб Низоми асосида иш юритувчи Бердиёрова Т бундан кейин «Истеъмолчи» деб юритилади, куйидаги шартномани туздилар

**2. Шартнома мазмуни**

1.1 «Таъминотчи» «Истеъмолчи»га ичимлик сувини давлат санитар эпидемиологик гигиеник стандарти ва сифати даражасига мувофиқ истеъмолчининг маиший-хужалик ва ишлаб чикариш-технологик эхтиёж талабларидан келиб чиккан холда ичимлик суви учун, йиллик чегара 79,5 м³ шу жумладан ойлик чегара 26,5 м³етказдириб беради ва окова суви учун йиллик чегара 79,5 м3, шу жумладан ойлик чегара 26,5 м³кабул килиб олади

1.2 «Истеъмолчи», етказиб берилган ичимлик суви хизмат хакларини «Таъминотчи»га уз вактида тулик миқдорда тулайди хамда келгуси ойлар учун олдиндан туловларни амалга оширади

1.3 Томонлар ушбу шартнома шартларини бажаришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги №194-сонли қарори билан тасдикланган қоидаларга риоя киладилар

1.4 Шартномани имзоланиш вактида «Истеъмолчи» ичимлик суви етказиб бериш чизмалари (субъистеъмолчи)нинг рўйхатини такдим қилиши шарт

**2. Умумий ҳолатлар**

2.2 Яшил майдон ва кучатларни белгиланган муддатлардан бошка вақтда ичимлик суви билан суғориш катъиян ман этилади Ичимлик сувидан дов-дарахтларни сугориш учун фойдаланишга куйидаги истисно холатларда йул куйилади

-Ирригация суви булмаганда, таъминотчи куввати мавжуд булганда, махаллий давлат хокимияти органлари томонидан тасдикланган жадвал буйича факатгина тунги вакт соат 00-00 дан соат 05-00 гача йул куйилади

2.2 Ичимлик суви талаб этилмайдиган технологик жараенларни амалга ошириш учун ичимлик сувидан фойдаланиш факатгина «Таъминотчи»нинг махсус рухсати биланамалга оширилади (рухсат олмасдан ичимлик сувидан фойдаланилганда ВМнинг 2014 йил 15-июлдаги 194-сонли карорнинг 87 кичик б бандига мувофик хисоб-китоб қилинади)

2.3 «Истеъмолчи»нинг тармокларидан сув олаётган ва окава сув тармокларига окова сув чикараётган субистеъмолчилар «Истеъмолчи»ларга ичимлик сувини етказиб бериш ва окова сувларни чикариш хизматлари" тугрисидаги амалдаги Коидаларга мувофик «Истеъмолчи» билан шартнома тузади

2.4 Кискартирувчи мослама хисоби ва сув улчаш асбоби, аввал, "Уз Дав Стандарт" Агентлигида экспертизадан ва руйхатдан утказилиб, сўнг "Таъминотчи" томонидан руйхатга олинади

2.5 «Истеъмолчи»ларда урнатиладиган сув хисоблагич шартли утказмаси (калибри)нинг диаметри хисоб-китоб билан аникланади, объектнинг максимал ва минимал сув истеъмоли текширилади хамда «Таъминотчи»билан келишилади. «Истеъмолчи»ларда сувни хисобга олиш асбобларининг ишлаши назорат қилинганда, улчовларнинг техник тавсифномасида йул қуйиладиган минимал чегарадан кам миқдорда сув истеъмол килинган такдирда «Таъминотчи»сув улчаш узелини амалда сарфланаётган сув хажмига мос. кичикрок диаметрдаги асбобгакайта жиҳозлашга кўрсатма беради Бу кўрсатма бажарилмаган такдирда сув ўлчаш асбоби кўрсаткичлари хисобга олинмайди ва сувдан фойдаланиш ва окова сувларни чикариш учун туловлар Қоидаларга мувофик амалга оширилади

2.6 Ичимлик ва окова сув хўжалигини реконструкция қилиш, ичимлик суви янги тармокларини ишга тушириш, сув ўлчаш асбобларини янгиларига алмаштириш, янги субистеъмолчиларни қўшиш каби ишлар «Истеъмолчи»нинг талабномаси асосида, ИСКТХ томонидан тасдикланган техник шартлар ва лойиҳа асосида барча зарурий ҳужжатлар тақдим қилингандан сунг амалга оширилади «Истеъмолчи»нинг буюртмасига кўра ИСКТХ корхонасидан олинган уланиш техник шартлари асосида лойиҳалаштириш ташкилоти томонидан барча амалдаги меъерий хужжатлар, тартиб-қоидаларга таяниб, уланиш лойиҳаси ишлаб чиқилади

2.7 Қурилган уланмалар ИСКТХ корхонаси томонидан, «Истеъмолчи» ва курувчи ташкилот вакили иштирокида ишга туширилиб, фойдаланишга топширилади

2.8 Ичимлик ва окова сув тўловларига нарх ўзгарган такдирда янги урнатилган тариф бўйича туловлар амалга оширилади

2.9 Лимитдан ортиқча сув истеъмол қилинган ҳолатларда, "Таъминотчи" томонидан белгиланган тарифларга нисбатан 10,0 орттирилувчи коэффициентни қуллаш йўли билан ҳақ ундирилади

**3. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

3.1 «Истеъмолчи»нинг ҳуқуқи

«Таъминотчи»билан тузилган шартнома асосида, ичимлик сув етказиб беришни узлуксиз амалга оширилишини талаб қилиш.

«Таъминотчи»дан,уз маблаги хисобидан сувни хисобга олиш асбобларини урнатиш, уларни белгиланган тартибда ва муддатларда назоратдан ўтказишни талаб қилиш.

Ичимлик сув талаб даражасида бажармаганлиги учун «Таъминотчи»дан конунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган миқдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш.

Шартномани бекор қилишдан камида 15 кун олдин "Таъминотчи"ни ёзма равишда огохлантириш ва ушбу муддатда сув таъминоти хизматлар учун туловларни тўлик амалга оширгандан сунг бекор қилиш.

Ичимлик сув таъминоти учун амалга оширилган тўловлар ҳақидаги маълумотларни шахсан еки ўз вакили орқали бепул олиш.

«Таъминотчи»дан, ичимлик сув таъминоти хизматлари хажми, сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳақидаги маълумотларни бепул олиш,

3.2 «Истеъмолчи»нинг мажбуриятлари

Шартнома шартларини бажариш, уларнинг худудида ва тасарруфида бўлган коммунал ичимлик сув ва канализация тармоклари ҳамда қурилмаларининг зарур даражада қўриқланишини таъминлаш, уларнинг бузилиши, сув босиши ва музлаб қолишига йўл қўймаслик, қудуқларнинг қопқоғини муз ва қордан тозалаш, «Таъминотчи»томонидан урнатилган пломбаларнинг сақланишини назорат қилиш, дренаж ва сирти табиий сув оқимларини канализация тизимига оқизилишига йўл қўймаслик, енгин

гидрантларига кириб бориш йулакларини тирбанд қилмаслик, ёнғин гидрантларини ишга яроклилигини доимий таъминлаб бориш,

Хар ойнинг 25санасига кадар сувни хисобга олиш маълумотномалари тугри курсатган холда, езма равишда«Таъминотчи»га тақдим этиш,**агарда ушбу талаблар уз вактида бажарилмаганда шартномада белгиланган ойлик чегараланган меъёрлардан келиб чикган холда, хисобот топширилмаган ой учун хисоб-китоб олиб борилади ва бу шартноманиг 1.1 булими талаби буйича хисобланилади.**

Белгиланган меердан ортик сув сарфламаслик,

Узига қарашли ичимлик сув , иншоотлари ва қурилмаларидан техник жиҳатдан самарали фойдаланишни таъминлаш,

Ишлаб чикариш сувларидаги ифлосланиш концентрациясини нормативдаги меъёрларгача етказган ҳолда олдиндан тозаланишини таъминлаш,

«Таъминотчи»вакилининг иштирокисиз кудуклар (камералар) қопқоғини очишга рухсат бермаслик,

**4.«Таъминотчи»нингхуқуқ ва мажбуриятлари**

4 1 «Таъминотчи»нинг ҳуқуқлари

«Таъминотчи», «Истеъмолчи»ни 3 кун олдин ёзма равишда огохлантирган ҳолда, қуйидаги ҳолатларда сувни узатиш қабул қилишни тулик ёки қисман тухтатиши мумкин

«Истеъмолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида булган ичимлик сув тармоқлари, қурилма ва иншоотларнинг техник ҳолати қониқарсиз булганда ва «Таъминотчи»вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш буйича «Таъминотчи»талаблари «Истеъмолчи» томонидан бажарилмаганда,

«Таъминотчи»мансабдор шахси «Истеъмолчи»нинг сувни ҳисобга олиш узели, ичимлик сув тармоклари, қурилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни ҳисобга олиш асбоби курсаткичларини қайд этиш, пломбаларни урнатиш мақсадида куздан кечириш, белгиланган лимитдан куп сарф қилинганда сув беришни мувофиклаштириш ва «Таъминотчи»нарядлари буйича бошқа ишларни бажариш учун келганда «Истеъмолчи» томонидан асоссиз равишда киритилмаганда,

«Таъминотчи»томонидан«Истеъмолчи» уланган ичимлик сув тармоклари ва қурилмаларида режали-огоҳлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат курсатиш ишлари утказилганда, шунингдек янги «Истеъмолчи»ларни улаш ишлари амалга оширилганда;

«Истеъмолчи» томонидан сув таъминоти сувларни чикариш хизматлари учун 100 % олдиндан энг камида бир ойлик тулов амалга оширилмаганда,

«Истеъмолчи»нинг тасарруфида булган ичимлик сув тармоклари, курилмаларига «Таъминотчи»дан уланиш учун белгиланган тартибда рухсатнома олган субистеъмолчиларнинг тегишли тартибда уланиши рад этилганда,

4 2 «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари

Ичимлик сув етказиб бериш юзасидан шартнома шартларини бажариш,

«Истеъмолчи»ларнинг, ичимлик сув етказишини мунтазам равишда назорат килиб бориш,

«Истеъмолчи»лар томонидан сув беҳуда оқизилиб, оқилона фойдаланилмаётганлик ҳолатларини аниқлаш, сувдан фойдаланишни катъий назорат килиш, хисобга олиш, уларга белгиланган лимитларга риоя қилинаётганлигини назорат килиш

Етказиб берилган сувни улчаш учун хисобга олиш асбоболарини урнатиш ва улардан фойдаланишни назорат килиш,

Ичимлик сувни истеъмол қилишга доир амалдаги ва янги жорий қилинган меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар билан «Истеъмолчи»ларни алоқа воситалари орқали хабардор қилиш,

Ичимлик сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари тарифларидаги узгаришлар ҳақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий ахборот воситалари еки бошқа алоқа воситалари ёрдамида «Истеъмолчи»ларни хабардор қилиш,

**5.Томонларнинг жавобгарлиги**

5 1 Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда -

-"Таъминотчи" томонидан эътирозномa 10 кунлик муддатда кўриб чиқилади ва асосли деб топилса уз вактида етказиб берилмаган ичимлик суви ва тулови кейинги ойлар учун қайта хисоб қилинади

- "Истеъмолчи» етказилган ҳақиқий зарарни тулик микдорда тулаб беради

5.2 «Истеъмолчи» қуйидагилар юзасидан жавобгар

«Таъминотчи»билан ҳисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни ҳисобга олиш асбоби, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг ҳудудида ёки тасарруфида булган ҳамда «Таъминотчи»томонидан пломбаланган бошқа ичимлик сув қурилмаларидаги пломбаларнинг бутлиги ва сақланиши учун,

Сув қувурига узбошимчалик билан уланган, совуқ сувни ҳисобга олиш асбобларининг бузилишига атайлаб йул қуйган, шунингдек курсаткичларни узгартириш мақсадида ҳисобга олиш асбобларига шикаст етказгани учун,

Конунчиликда белгиланган бошка холатларда

5.3 "Таъминотчи" қуйидагилар юзасидан жавобгардир

«Истеъмолчи»ларга меъёрий-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар ҳамда қонунчилик асослари ва шартномада курсатилган талабларга мувофиқ сифатли ичимлик сув етказиб бериш,

«Истеъмолчи»ларга ичимлик сув таъминоти

тизимларига уланиш учун уз вактида, қонуний асосланган техник шартларни тақдим этиш,

Юклатилган мажбуриятларни ва шартнома шартларини бажармаган холда ва конунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда.

**Куйидаги холатлар бундан мустасно:**

«Таъминотчи»томонидан электртаъминотнинг тухтатилиши

Фавкулодда ҳолат

Авария

Ёнгин булган худудларига сув таъминотини кучайтириш лозим булган ҳолатларда

**6. Ичимлик суви таъминоти ва канализация хизматлари учун туловлар тартиби**

6 1 "Таъминотчи" коммунал сув таъминоти тармогидан етказиб берган(еки кабул килинган) ичимлик суви ҳисоби, сув улчаш мосламалари мавжуд булган ва булмаган холатларда хам, уларнинг курсаткичлари асосида, амалдаги тарифларга кура, ККС ни инобатга олган ҳолда шунингдек Узбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18-апрелдаги ПК-2900 сонли карори билан тасдикланган Низомга асосан 1м/3 ичимлик суви учун 50 сум устама хак тулови амалга оширилади

6 2 «Истеъмолчи»ларнинг коммунал канализация тизимига чикариладиган оқова сувлари микдори коммунал сув таъминоти тизимидан сарфланган сув миқдорига тенг деб қабул қилинади. Марказлаштирилган иссик сув таъминоти мавжуд булган

ортирилувчи коэффицент микдор тартибида хисобланади

7.10. Ҳисоб-китобларнинг нотўғри қилинганлиги (тарифларнинг нотўғри ҳисобга олинганлиги ва шу каби ҳолатлар) туғрисида«Истеъмолчи»ёзиладиган эътирознома тўлов ҳужжати олингандан кейин 5 кун муддатда "Таъминотчи"га тақдим этилиши керак. Эътирознома «Истеъмолчи»ни тўлов ҳужжатида курсатилган суммани тўлиқ ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди

**8.Форс-мажор**

8.1. Шартнома имзолангач, томонлар ушбу шартнома юзасидан мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун жавобгарликдан озод қилинишлари ҳам мумкин. Бунда,томонлар олдиндан билишлари ёки олдини олишлари мумкин бўлмаган фавқулодда ходисалар туфайли юзага келган енгилмас кучлар сабаб бўлиши мумкин. Кучки, сув тошқини, ёнғин ва бошқа табиий офатлар, минтақадаги ҳарбий хатти-харакат ва иш ташлашлар бундай сабаблар сирасига кириб, томонлар мажбуриятларини бажармасликларига узрли сабаб сифатида эътироф этилади

**9.Низоларни хал қилиш тартиби**

9.1. Томонлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар музокаралар йўли билан хал қилинади. Агарда икки томонлама келишув қарор топмаса, низолар **Сардоба** туманлараро иктисод судига мурожаат килиш йўли билан хал қилинади

9.2. Ушбу шартномада белгиланмаган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиқса, Ўзбекистон Республикасининг конунчилигида белгиланган тартибда хал қилинади

**10.Шартноманинг амал қилиш муддатлари**

10.1. Ушбу шартнома икки нусхада тайёрланган булиб, ҳар иккала томонда бир нусхадан сақланади

10.2. Шартнома худудий ғазначилик булимидан руйхатдан утгандан сунг қонуний кучга киради ва 31-декабр 2022 йилгача амал қилади

**11.Томонларнинг юридик манзили:**

| **«Т А Ъ М И Н О Т Ч И »** | **«И С Т Е Ъ М О Л Ч И»** |
|---|---|
| "Сирдарё Сув таъминоти" МЧЖ<br>Сардоба туман булими | Сардоба тумани ... |
| **Тел** 95-511-38-78 | Тел 67-344-16-92 |
| **х/р:** 22638000800134816421<br>АТИБ "Ипотека" банки Сирдаре филиали | х/р 100010860242267092 9 010792002 |
| **МФО** 00364 **СТИР** 200323842 | МФО 00014 |
| **ХХТУТ** -90213 | СТИР 207000165 |
| | ХХТУТ ... |
| Рахбар ________ **Д.Шодмонов** | Рахбар ________ Бердиянова |
| « __ » ______ 2022 й | « __ » ______ 2022 й |
| **М.У.** | **М.У.** |

**Юридик хулоса:**

Ушбу Шартнома Ўзбекистон Республикасининг Фукаролик кодекси ва "Хўжалик субъектларининг шартнома-хуқуқ базаси" Қонуни талабларига мувофиқ келади

Юрист ________ Б.Юлдашев « __ » __ 01 __ 2022 й